

Суд-хатшунослик экспертизаси бўйича расмийлаштирилаётган экспертиза хулосаларини баҳолаш амалиёти

Собиров Фуркат Баҳромбой ўғли

*ИИВ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси бошлиги ўринбосари, ю.ф.б.ф.д.(PhD)*

Аннотация. Мазкур мақолада суд-хатшунослик экспертизаси бўйича тузилган экспертиза хулосаларининг илмий асосланганлик масаласини баҳолашининг ўзига хос хусусиятлари, яъни суд-хатшунослик экспертизаси бўйича тузилаётган экспертиза хулосаларини баҳолашининг ҳуқуқий асослари, мазкур жараённи амалга оширишида юзага келаётган муаммоли ҳолатлар ва уларни бартараф этиши юзасидан асослантирилган таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: хатшунослик экспертизаси, эксперт хулосаси, тадқиқот, хулосаларни баҳолаш, ички ишонч.

Хатшунослик экспертизаси хулосалари бугунги кунда жиноий, маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича олиб борилаётган текширув жараёнлари учун жуда муҳим бўлган фактик маълумотларни берувчи анъанавий экспертиза тадқиқот тури ҳисобланади [1]. Гарчи ҳаётимизга электрон ҳужжатлар кундан кунга тобора кўпроқ кириб келаётган бўлсада, хатшунослик экспертизаси ўзининг анъанавий криминалистик экспертизалар ичida етакчилик мавкейини ҳалигача сақлаб келмоқда [2; 81-85-б].

Юқорида келтириб ўтилган фикрларнинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлигини ўтган охирги 2 йил (2020 ва 2021 йил) нинг 12 ойи мобайнида ИИВ ЭКБМ ва унинг худудий ИИО ЭКМ экспертлари томонидан бажарилган анъанавий криминалистик экспертизалар юзасидан статистик маълумотларни ўрганиш жараёнида таҳлил қилиш мумкин. 2020 йилда

хатшунослик экспертизаси хulosалари жами бажарилган анъанавий турдаги экспертиза хulosалари ичиде улуши 33,4%ни, 2021 йилда эса 34,8% ни ташкил этди [3]. Мазкур кўрсатгич билан хатшунослик экспертизаси ўз таркибига дактилоскопик, трасологик, баллистик, портрет, совуқ қуроллар, хатшунослик ва хужжатларнинг техник қrimиналистик экспертизалари каби жами 7 та экспертиза тадқиқотларини олган анъанавий қrimиналистик экспертизалар ичиде яққол етакчи ҳисобланади.

Маълумки хуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келадиган мураккаб саволларга жавоб топиш мақсадида турли экспертизалар тайинланади. Мазкур мақолада бугунги кунда хатшунос-экспертлар томонидан шакллантирилаётган хulosаларнинг ишни судга қадар юритиш босқичида илмий асосланганлик даражасини баҳолаш билан боғлиқ бўлган бир қатор баҳсли ҳолатлар кўриб чиқилади. Бунинг учун дастлаб суд экспертиза тайинлашнинг процессуал асосларини ўрганиб таҳлил қилиш лозим.

Ҳ.Х.Болтаев, С.О.Урозбаев, Қ.К.Байзаков, И.Р.Астановлар томонидан тайёрланган “Жиноят ишини юритиша экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари” номли услубий қўлланмада суд экспертизаси тайинлашнинг процессуал асосига нисбатан қуйидагича таъриф келтириб ўтилган: суд экспертизаси тайинлашнинг процессуал асоси бу - ваколатли давлат органининг уни тайинлаш ҳақида асослантирилган қарори(ажрими) ҳисобланади [4; 26-б].

Ўзбекистон Республикаси Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг 17 моддаси ҳамда ЖПКнинг 180 моддасига асосан суд экспертизасини тайинлаш ваколати терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ҳамда судларга берилган. Мазкур жараёнда дастлабки номи кўрсатилган орган (шахс) лар экспертиза тайинлаш учун қарор охиргиси яъни суд эса ажрим чиқаради [5,6].

Бугунги кунда дастлабки тергов жараёнида эксперт хulosасини баҳолаш масалалари жиноий далиллар назариясининг муҳим муаммосидир [7; 3-б]. Шу нуқтаи назардан эксперт хulosасини баҳолаш жараёни хар доим

ўзининг долзарбилигини сақлаб келмоқда. Хатшунослик экспертизаси хулосалари мазмунидан қатъий назар экспертиза тайинлаган орган (шахс) томонидан баҳоланиши лозим [8]. Куйида эксперт хулосасининг баҳоланиш тартиби тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187 моддасида эксперт хулосасини терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўtkазиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳолайди деб аниқ равshan келтириб ўтилган [5].

Ушбу моддага берилган шарҳда ҳар қандай далил сингари экспертиза хулосаси ҳам далилларни баҳолашнинг умумий принци асосида таҳлил қилинади ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, судьянинг ички ишончи асосида баҳоланади деб қўшимча қилинган. Шу ўринда “*ички ишонч*” ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтсак.

Ички ишонч – бу далилни мақбуллиги, етарлилиги, ишончлилиги юзасидан қарор чиқариши мумкин бўлган шахсларнинг ўз амалга ошираётган ҳаракатларнинг адолатли эканлигига ишончи йифиндисидир [9; 369-б].

Ҳ.Х.Болтаев, С.О.Урозбаев, Қ.К.Байзаков, И.Р.Астановлар томонидан тайёрланган “Жиноят ишини юритиша экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари” номли услугий қўлланмада ҳам суд экспертининг хулосасини баҳо бериш далилларга баҳо беришнинг умумий қоидаларига кўра амалга оширилиши келтириб ўтилиб ушбу жараён қуйидаги иккита босқичдан иборат эканлиги кўрсатилган.

➤ Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартибига доир процессуал талабларга риоя этилганлигини текшириш;

- Эксперт хulosасининг илмий асосланганлигини текшириш [4; 68-б].

Юқорида келтириб ўтилган иккита босқичнинг биринчи босқичи яъни “*Экспертиза тайинлаш ва ўтказиши тартибига доир процессуал талабларга риоя этилганлигини текшириши*” жараёнининг бевосита экспертиза тайинлаган орган мансабдор шахси томонидан амалга оширилиши бу табиий ва бу борада ортиқча ҳеч қандай савол бўлиши мумкин эмас. Бироқ иккинчи босқич билан боғлиқ бир қатор аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд. Маълумот учун суд экспертининг хulosасини баҳо беришнинг иккинчи босқичи бу “*Эксперт хulosасининг илмий асосланганлигини текшириши*”дир.

Россиялик тадқиқотчи олим Г. Л. Бордюгов ўзининг “Жиноят процессида суд экспертининг хulosаси ва унинг баҳоланиши” номли мақоласида эксперт хulosасининг баҳоланиши ғоят мураккаб ва кўп поғонали жараён эканлиги ҳамда хulosанинг баҳоланиш босқичи нафақат терговчи (судья), балки экспертинынг ўзи учун ҳам нисбатан мураккаб эканлигини таъкидлаб ўтган [7; 370-б].

Ҳ.Х.Болтаев, С.О.Урозбаев, Қ.К.Байзаков, И.Р.Астановлар томонидан тайёрланган “Жиноят ишини юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари” номли услубий қўлланмада қуйидаги фикрлар илгари сурилган: эксперт хulosасининг илмий жиҳатдан тўлиқ асосланганлигини текшириш жараёнида хulosада баён этилган фактлар, эксперталар томонидан қўлланилган тадқиқот услублари, хulosага илова қилинган материаллар текширилади ва баҳоланади. Бунда экспертиза тайинлаган орган мансабдор шахсига қуйидаги саволлардан олинадиган жавоблар кўмак беради:

- 1) Терговчи томонидан қўйилган саволлар экспертинынг билимлари доирасида ҳал этилганми, экспертиза хulosаси унинг маҳсус билимларига асосланганми?

- 2) Экспертиза тұхтамларини асослаш учун эксперт томонидан фойдаланилған илмий қоидалар түғрими?
- 3) Эксперт томонидан тадқиқ этилған объектлар мақбулми?
- 4) Эксперт хulosаси ҳаққонийми?
- 5) Экспертта тақдим этилған бошланғич материаллар түғрими?
- 6) Эксперт томонидан ўтказилған тадқиқот түлиқми?
- 7) Эксперт тұхтамлари ўтказилған тадқиқот билан тасдиқланғанми?
- 8) Эксперт тадқиқоти натижасыда олинған фактік маълумотлар ишда бўлған далилларга мос келадими? [4; 69-б].

Юқоридаги каби саволларга жавоб топиш натижасыда экспертиза тайинлаган орган мансабдор шахси эксперт хulosасининг бошқа далиллар билан таққосланишига ҳамда экспертиза хulosаси билан бошқа далиллар ўртасида мувофиқлик ёки зиддиятлар мавжудлигини ўрганишга кўмак беради.

Башарти зиддиятлар аниқланса, терговчи экспертни сўроқ қилиши ёки қайта экспертиза тайинлаши мумкин. Шу ўринда қайд этиш керакки, экспертиза хulosаси ва бошқа далиллардаги фактік маълумотлар ўртасида зиддият ёки қарама-қаршиликнинг аниқланиши дарҳол эксперт томонидан келинган хulosасининг нотўғрилиги ҳақида фикрга келиш учун асос бўлмаслиги лозим [10; 123-б]. Бунда терговчининг вазифаси ишдаги қарама - қарши далилларга танқидий баҳо бериш ва ҳақиқатни аниқлашдан иборатdir.

Терговчи эксперт хulosасига баҳо бера туриб, қуйидаги фикрлардан бирига келади:

- 1) эксперт хulosасини тўлиқ ва асосли, ундаги фактік маълумотларни ишга алоқадор ва мақбул хусусиятга эга деб топиш;
- 2) эксперт хulosасини етарли даражада аниқ ва тўлиқ эмас деб топиш, зарур холларда қўшимча экспертиза тайинлаш ёки экспертни берилған хulosасини тушунтириб бериши ёхуд қўшимчалар билдириши учун сўроқ қилиш;

3) эксперт хulosасини асоссиз ёки тўғрилиги шубҳа туғдирувчи деб топиш, зарур ҳолларда қайта экспертиза тайинлаш ёки эксперт тўхтамларини текширишга қаратилган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш [4; 69-б].

Юқорида кўрсатиб ўтилган адабиётдан маълум бўлишича терговчи томонидан эксперт хulosасига баҳо бериш натижасида қабул қилган қарорлари ичida хulosанинг илмий асосланган ёхуд илмий асосланмаган деган фикрга келиши аниқ ва равshan кўрсатиб ўтилмаган.

Фикримизча, маълум бир тадқиқот йўналиши бўйича тузилган эксперт хulosасининг илмий асосланмаган деб топиш учун экспертиза тайинлаган ваколатли орган мансабдор шахсида ушбу тадқиқот тури бўйича маҳсус билимнинг мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бироқ, юқоридаги талаб бир сўз билан айтганда имконсиздир. Сабаби бугунги кунда экспертиза турлари кўп бўлиши билан бирга мазкур турлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси бўйича билимларнинг бўлиши эса имконсиздир. Фикримизнинг исботи тариқасида мазкур жараённи бевосита мавзу доирасида яъни, хатшунослик экспертизаси йўналишида кўриб таҳлил қилинади. Маълумки хатшунослик экспертизаси анъанавий криминалистик тадқиқотлар ичida энг мураккаб бўлган экспертиза тадқиқоти ҳисобланади [11; 75-б]. Ушбу экспертиза тадқиқоти бўйича шахсда маҳсус билим бўлиши учун белгиланган маълум бир минимал ўқув курсларидан ва якуни бўйича имтиҳонлардан ўтиши лозимдир [12; 152-б]. Шундай бўлган тақдирда шахсда хатшунослик экспертизаси мутахассислиги бўйича маҳсус билим шаклланиши мумкин.

Шу ўринда ўринли бир савол: Барча терговчиларда хатшунослик экспертизаси йўналишида маҳсус билим мавжудми? Жавоб: албатта йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Мазкур жавоб билан танишар эканмиз табиийки қўйидаги: агар экспертиза тайинлаган орган мансабдор шахсида ушбу йўналишда маҳсус билим мавжуд бўлмаса, у қандай қилиб хатшунослик экспертизаси тадқиқоти якуни бўйича тузилган эксперт

хулосасининг илмий асосланганлик масаласини баҳолаши мумкин деган ўринли бир савол туғилиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 176-моддасида қайта экспертиза тайинланганда эксперт (экспертлар комиссияси) олдига илгари қўлланилган эксперт текшируви усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкинлиги аниқ равshan кўрсатиб қўйилган [5]. Ушбу моддада кўрсатилган қоида ва ЖПКнинг 187-моддасида кўрсатиб ўтилган эксперт хулосасининг илмий асосланганлигига баҳо бериш масаласи ўртасида озгина номутаносиблик бордай кўриниши табиий. Шу сабабдан ҳам ушбу иккита моддани бир-бирига мослаштириш лозим.

Зоро, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 176-моддасида эксперт хулосасининг илмий асосланганлик масаласига ойдинлик киритиш учун айнан ушбу йўналишда маҳсус билимга эга бўлган мутахассис эксперт томонидан қайта тадқиқот олиб бориш орқали жавоб бериш мумкинлиги назарда тутилган.

Назаримизда, бу хар томонлама тўғри қарор. Сабаби маълум бир ишдаги хато ёхуд камчиликни топиш учун албатта шу йўналишдаги мутахассис бўлгани хар томонлама маъқул. Зоро мутахассис бўлмаган киши айrim ҳолатларга етарлича аҳамият бермаслиги мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187-моддаси биринчи қисми қуйидаги кўринишда янгидан таҳрирдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Эксперт хулосаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суришигувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда экспертиза ўтказиши учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланаади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. [URL:http://femida-science.ru/index.php/home/vypusk-9/item/277-osobennosti-sostavleniya-zaklyucheniya-eksperta-po-cherkoveda-i-rekomendacii-po-oformleniyu-rezulatov-issledovaniya](http://femida-science.ru/index.php/home/vypusk-9/item/277-osobennosti-sostavleniya-zaklyucheniya-eksperta-po-cherkoveda-i-rekomendacii-po-oformleniyu-rezulatov-issledovaniya)
2. Петрова, Б. И. Предмет, задачи и объекты судебно-почерковедческой диагностической экспертизы по установлению психологических свойств исполнителя рукописи / Б. И. Петрова // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Право. – 2016. – Т. 16. – № 2. – Б. 81-85. – DOI 10.14529/law160213.
3. ИИВ ЭКБМнинг 2021 йил яқунлари юзасидан қилинганд ҳисобот – Тошкент. 2022.
4. Ҳ.Х.Болтаев, С.О.Урозбаев, Қ.К.Байзаков, И.Р.Астанов “Жиноят ишини юритишида экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари” услубий қўлланма // Тошкент.2016. С.68-70.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. 22.09.1994 // URL <https://lex.uz/docs/111460>.
6. Ўзбекистон Республикасининг Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун 01.06.2010 // URL: <https://lex.uz/docs/1633102>.
7. Бордюгов, Г. Л. Заключение судебного эксперта в уголовном процессе и его оценка / Г. Л. Бордюгов // Соально-гуманитарные проблемы современности : сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции в 5 частях, Белгород, 30 сентября 2017 года / Под общей редакцией Е. П. Ткачевой; Агентство перспективных научных исследований. – Белгород: Общество с ограниченной ответственностью "Агентство перспективных научных исследований", 2017. – С. 24-27. – EDN ZPJZPZ.
8. URL: <https://cyberpedia.su/9xb5d0.html>
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар умумий қисм (илмий–амалий шарҳ) // Тошкент.2014.-С.369-370

10. Орехова, Е. П. Тактика оценки заключения эксперта / Орехова, Е. П// Соально-гуманитарные проблемы современности : сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции в 5 частях, Белгород, 30 сентября 2017 года / Под общей редакцией Е. П. Ткачевой; Агентство перспективных научных исследований. – Белгород: Общество с ограниченной ответственностью "Агентство перспективных научных исследований", 2017.
11. Диденко, О. А. Проблемы производства судебно-почерковедческих экспертиз в современных условиях / О. А. Диденко // Теория и практика судебной экспертизы в современных условиях: материалы VИИИ Международной научно-практической конференции, Москва, 28–29 января 2021 года. – Москва: Общество с ограниченной ответственностью "Издательство "Проспект", 2021. – С. 74-78.
12. Россинская Е.Р. Классификации судебных экспертиз и проблемы компетенции судебных экспертов// В сборнике: Судебная реформа в России: прошлое, настоящее, будущее (Кутафинские чтения) Сборник докладов VИИ Международной научно-практической конференции. 2015.С. 154-158.